

634.1
A-941

О. К. АФАНАСЬЕВ

ПАСТАК
МЕВА
ДАРАХТЛАРИ
ПАРВАРИШИ




О. К. А Ф А Н А С Ь Е В
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

634.1
А-941

ПАСТАҚ МЕВА
ДАРАХТЛАРИ
ПАРВАРИШИ

бр 18841/2

№ 35



Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти
Тошкент — 1966

к

Мева етиштиришни кўпайтиришда пастак ўсадиган тагпайвандли мева дарахтлари катта роль ўйнайди.

Мева дарахти пастак ўсадиган дарахтларга пайванд қилинганда анча барвақт ҳосилга киради ва баланд ўсадиган дарахтларга пайванд қилинган мева дарахтларига нисбатан мунтазам ҳосил беради. Пастак тагпайванд — парадизкага олма ва беҳига нок пайванд қилинганда уларнинг ҳар иккиси ўртача 25 йил яшайди ва бўйлари 3 метргача баланд кўтарилади. Бундай пайванд қилинган мева дарахти 5—6 йил илгарироқ ҳосилга киради. Олма ярим пастак ўсадиган дусенга пайванд қилинганда унинг бўйи 4—5 метрга етиб, 30—40 йилгача яшайди. Ҳосилга кириши 3—4 йилга тезлашади.

Пастак ўсадиган мева дарахтлари нисбатан юқори ҳосил бермайди, аммо ҳар гектар ерга баланд ўсадиган мева дарахтларига нисбатан учбеш баравар кўп жойлашганлиги сабабли пастак ўсадиган мева дарахтларининг гектаридан анча кўпроқ ҳосил олинади.

Пастак ўсадиган мева дарахтлари тўла ҳосилга кирганда ҳар гектаридан 20—30 тоннадан, баъзи ҳолларда эса 60—80 тоннадангача ҳосил беради. Пастак ўсадиган мева дарахтларига қуёш нури яхши тушади. Мана шунинг учун

уларнинг мевалари йирик ва яхши рангпар бўлади. Пастак ўсадиган мева дарахтлари ҳосилининг товар маҳсулдорлиги 90—95 процентгача етади.

Пастак ўсадиган мева дарахтларининг бўйи унча баланд бўлмагани учун уларнинг шох-шаббаларини буташ (кесиш), зарарли ҳашаротларга қарши курашиш ва мевасини йиғиб-териб олишда меҳнат анча кам сарфланади ва бу тадбирлар анча қисқа муддатларда ҳамда пухта ўтказилади. Бир ишчи баланд ўсадиган мева боғларидаги 1,5—2 гектар ўрнига пастак ўсадиган мева боғларида 3—4,5 гектарни парвариш қила олади.

Ўзбекистонда пастак ўсадиган мева боғларини ўстиришнинг илк тажрибаси уларнинг жуда фойдали эканлигини кўрсатди.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва вино ишлаш илмий-текшириш институтининг тажриба базасида 1935 йили парадизкага пайванд қилинган мева дарахтлари 26 ёшида ҳар гектаридан 20,6 тоннадан, дусенга пайванд қилинганлари 31,6 тоннадан, баланд ўсадиган дарахтларга пайванд қилинганлари эса гектаридан атиги 14 тоннадан ҳосил берди. Бу боғнинг 1936 йилдан 1947 йилгача бўлган ўртача ҳосили йилига парадизкада — 18,2 тоннани, дусенда — 20,1 тоннани, баланд ўсадиган боғларда эса 9,8 тоннани ташкил этди. Бу эса ҳозирги харид нархларида гектарига 6370, 7035 ва 3430 сўмни, ёки ҳар бир сарф қилинган ишчи кунига 31, 30 ва 17 сўмни ташкил қилади. Кейинги уч рақам пастак ўсадиган боғларда иш унумдорлиги баланд ўсадиган боғлардагига нисбатан 1,8 барабар ортиқ эканини кўрсатади.

Тошкент областидаги «Қибрай» ва «Вревский» боғдорчилик совхозларида пастак ўсадиган мавжуд пайванд мева дарахтлари 1954 йилгача

яшаб ва юқори сифатли мўл ҳосил бериб келди. Бироқ, 1954 йилги совуқ ҳамма олма боғларини уриб кетганидек, пастак ўсадиган бу мева боғларини ҳам уриб кетди. Мана шундан кейин пастак ўсадиган мева боғларини барпо қилиш билан республикада ҳеч ким қизиқмади.

Р. Р. Шредер номидаги институтда 1960 йили пастак ўсадиган пайванд боғлари яна барпо қилинди.

Бу боғ 1962 йили ҳар гектаридан 0,8 тоннадан, 1963 йили 2,5 тоннадан, 1964 йили 5 тоннадан, 1965 йили эса 12 тоннадан олма ҳосили берди. Уч йил мобайнида ҳар гектаридан олинган жами ҳосил 8,3 тоннаданни ташкил этиб, бунинг харид суммаси 2900 сўмни ташкил қилди. Шундай қилиб, бу боғ беш йил мобайнида ўзига қилинган барча харажатларни батамом қоплади. 1964 йили эса ҳар гектаридан олинган соф даромад 1200 сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Худди шундай шароитдаги ва шундай ёшдаги баланд ўсадиган пайвандлардан иборат боғлар эса шу вақтга келиб ҳам ҳали ҳосилга кирмаган эди.

Пастак ўсадиган мева дарахtlари баланд ўсадиган мева дарахtlари ўтқазилган боғларни зичлаштириш — қалинлаштиришда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Пастак ўсадиган мева дарахtlарини қаторлар ва қатор ораларига ўтқозиш боғ майдонидан яхши фойдаланиш ва тезроқ ҳосил олиш имконини беради.

Боғдорчиликни янада интенсивлашда пастак ва ярим пастак ўсадиган мева дарахtlарини принципиал янги шакл — шпалер (сим бағаз) тарзида ўстириш ҳам катта роль ўйнайди.

Мева дарахтининг тепаси ясси бўлганда унга ёруғлиқ яхши тушади ва унда (дарахтнинг тепа

қисмида) ҳосил мўл бўлади. Ҳар гектар ерга кўпроқ мева дарахти жойлаштирилиши (1000—1200) натижасида шпалер усулида ўстирилган боғда ҳосил анча ортади. Масалан, Кубань қишлоқ хўжалик институтининг «Кубань» ўқув хўжалигида шпалер усулида ўстирилган олмалар экилганининг иккинчи йилидаёқ ҳар гектаридан 5 тоннадан, учинчи йилида эса 17,3 тоннадан ҳосил берди. Профессор Велковнинг (Болгария) маълумотларига қараганда, бу усулда ўстирилган олмалар яхши ҳосилга кирганда уларнинг ҳар гектаридан берадиган ҳосили 50—60 тоннага, нокларники эса 60—80 тоннага етади.

Шпалер усулида ўстирилган боғлар дарахт қатор ораларини ишлаш, дориворлар пуркаш ва бошқа ишларда механизмлардан анча эффект-лироқ фойдаланиш имконини беради.

Кейинги йилларда республикамизнинг колхоз ва совхозларида пастак ўсадиган боғларни барпо этиш ва ривожлантиришга қизиқиш анча орта бошлади. Масалан, «Халқобод» боғдорчилик-узумчилик совхози 21,2 гектар ерда пастак ўсадиган тагпайвандли боғ барпо этди. 1963 йили эндигина ҳосилга кира бошлаган 4,2 гектар боғдан 8 тоннадан кўпроқ ҳосил олинди.

«Дўрмон» ва «Қуйи Чирчиқ» боғдорчилик-узумчилик совхозларининг ҳар бирида 18 гектардан пастак ўсадиган боғ барпо этилди. «Қибрай» боғдорчилик-узумчилик совхози ҳам шундай боғлар ташкил этишга киришди. 1964 йили республикада ҳаммаси бўлиб тахминан 100 гектарча майдонда пастак ва ярим пастак ўсадиган боғлар мавжуд эди.

Р. Р. Шредер номидаги институтда пастак ўсадиган тагпайвандли боғлар устида катта илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ер-

да коллекцион оналиликка бир гектар майдонга ўттиз икки формадан иборат 12 минг туп ўсимлик ўтқазилди.

Институт ўзининг кўчат хўжалигида пастак ўсадиган меваги дарахтларни кўпайтириш мақсадида 20 гектар майдонда пайванд қилинадиган оналик дарахтларни ўстирмоқда. Бундай пайвандтагларда ўстириладиган кўчатлар йилдан-йилга кўпайтирилмоқда.

Пастак ўсадиган боғларга кенг йўл бериш — бу, мамлакатга ҳар йили минглаб тонна сархил мевалар бериш демакдир.

Пастак ўсадиган пайвандтагларнинг энг яхши хиллари. Пастак ўсадиган пайвандтагли дарахтлар вегетатив усул — шох, новда, қаламча, илдиш, пархиш ва бошқа усуллар билан кўпайтирилади. Уларнинг жуда кўп формалари бўлиб, ўзларининг биологик аломатлари билан бир-бирларидан жуда катта фарқ қилади.


1912 йили Англияда Ист-Моллинг тажриба станциясида вегетатив йўл билан кўпайтириладиган пайвандтаг дарахтлар ўзининг ўсиш кучига қараб тўрт гурппага системалаштирилган эди, яъни: пастак ўсадиганлар — VIII ва IX типлар; ярим пастак ўсадиганлар — II, III, IV, V ва X типлар; баланд ўсадиганлар — I, VI, XI типлар; жуда баланд ўсадиганлар — XII, XIII, XIV, XV, XVI типларга бўлинган эди.

Пастак ўсадиган парадизка IX пайвандтаги ва ярим пастак ўсадиган дусен III типлари Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқаришга жорий қилишга тахминан тавсия этиладиган энг яхши типлардир. II, IV ва V дусенлар ҳамда VIII парадизкалар кенг ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтказишга тавсия қилинади.

Пастак ўсадиган нок учун «А» тип беҳи (анжир беҳи) яхши пайванд ҳисобланади.

Қуйида паст ўсадиган бу тип пайвандтагларга қисқача ишлаб чиқариш характеристикаси берилади.

Парадизка IX —эркин формада пастак ўсадиган олмаларни эркин формада ўстириш учун, шунингдек уларни шпалер усулида парвариш қилиш учун энг яхши пайвандтаг — асос ҳисобланади. Унга пайванд қилинган мева дарахтлари тупроғи анча серунум бўлган участкаларга ёки баланд ўсадиган боғларни зичлаштириш-қалинлаштириш учун улар орасига экилади. Бу мева дарахтлари экилганидан сўнг орадан 2—3 йил ўтгач ҳосилга киради. Улар ҳар йили ва мўл ҳосил беради (расм 1).



1-расм. Парадизка IX га пайванд қилинган 6 ёшлик Первенец Самарқанд нав олмаларининг гуллаган пайти.

Дарахтларнинг илдиз системалари тупроқнинг уст қатламида жойлашади. Шунинг учун улар шамолдан яхши сақланишга эҳтиёж сезади.

Парадизка IX да асосан ўртача ўсадиган ва баланд ўсадиган навлар ўстирилади.

Парадизка VIII — энг пастак ўсадиган пайвандтаг бўлиб, барвақт ҳосилга киради. Унга пайванд қилинган дарахтларнинг меваси жуда яхши, сифатли бўлади. Шпалер усулида ўстириб тажриба ўтказиш учун қизиқиш уйғотади. Илдиз системаси ер юзасига яқин жойлашиб, кам ўрин эгаллайди, шунинг учун у етарли даражада суғорилиб турилган тақдирда яхши ўсади.

Парадизка IX га нисбатан бирмунча ёмонроқ кўпаяди.

Парадизка VIII да ўртача ва баланд ўсадиган навлар ўстирилади. Улар томорқа участкалари учун ҳам тавсия этилиши мумкин. Юқори агротехника қўлланилганда дарахтлар 20—25 йил яшай олади.

Дусен II — барча дусенлар орасида ярим пастак ўсадиган, қурғоқчиликка энг чидамли пайвандтагдир.

Дусен II га пайванд қилинган мева дарахтлари 3—4 йилдан кейин ҳосилга киради. Юқори ҳосилли бўлади. Дарахт узоқ, яъни 40—50 йилгача яшайди.

Дусен II бошқа ярим пастак ўсадиган пайвандтагларга нисбатан ёмонроқ кўпаяди; бу унинг энг муҳим камчилиги ҳисобланади.

Бу пайвандтагда ўртача ўсадиган навлар ҳам заифроқ ўсади.

Дусен III — ярим пастак ўсадиган пайвандтаг бўлиб, Ўзбекистон боғларида кенг тарқалган эди. Унга пайванд қилинган мева дарахтлари бошқа дарахтларга нисбатан пастроқ ўсади. 4—5

йилдан кейин ҳосилга киради (расм 2). Улар дусен II га пайванд қилинган дарахтларга нисбатан бирмунча камроқ яшайди.

Пайвандтаг вегетацияни эрта тамомлайди ва совуққа чидамлилиги билан фарқ қилади. Бошқа дусенлардагига нисбатан дусен III нинг илдиз



2-расм. Дусен III га пайванд қилинган Розмарин нав олма.

системаси ер юзасига яқинроқ жойлашади. Пайвандтаг намни ғоят севиши билан ажралиб туради. Тупроқ шўрига яхши бардош беради.

Дусен III яхши кўпаяди. Унга ҳамма навлар ҳам пайванд қилиб ўстирилади.

Дусен IV— ярим пастак ўсадиган истиқболли пайвандтаг дарахт бўлиб, юқори ҳосилли мева дарахтларини ўстириш учун қўлланилади. У вегетацияни эрта бошлаб, эрта тамомлайди. Дусен IV Ўзбекистонда ҳали яхши ўрганилганича йўқ. У кенг кўламда синовдан ўтказилишга сазовордир.

Дусен V— ярим пастак ўсадиган пайвандтаг дарахт бўлиб, мамлакатимизнинг жанубий районларида кенг тарқалган. У 4—5 ёшидан бошлаб ҳосилга киради. Илдиз системаси бақувват бўлиб, III ва IV дусенларнинг илдиз системасига нисбатан тупроқда чуқурроқ ётади. Дусен III га нисбатан қурғоқчиликка чидамлилиги юқоридир.

Яхши кўпаяди, асосий туп 20 тагача пархиш беради. Бу пайвандтагда ўртача ўсадиган навлар ҳам заиф ўсади.

Ўзбекистон шароитида синовдан ўтказишни талаб этади.

«А» тип беҳи — нок учун асосий пастак ўсадиган пайвандтаг бўлиб, жуда яхши кўпаяди, асосий тупи 30 тагача пархиш беради. Қаламчалари 60—70 процент тутиб кетади.

«А» тип беҳининг илдиз системаси ер юзасига яқин жойлашади. Намни унчалик ёқтирмайди.

Бу пайвандтагни кучли, етарли даражада намланган, аммо ҳавони яхши ўтказадиган ерларда қўлланиш керак бўлади. «А» тип беҳига пайванд қилинган ноклар карбонатли ерларда ёмон ўсади ва хлороздан кучли даражада

зарарланади. Мева дарахтлари бу пайвандтагда навларига қараб 25—45 йил яшайди.

1964 йилнинг ноябрь ойида Р. Р. Шредер номидаги илмий-текшириш институти ҳузурида Ўзбекистонда пастак ўсадиган боғдорчиликни ривожлантириш масалалари бўйича бўлиб ўтган кенгаш институт томонидан ишлаб чиқилган республикада пастак ўсадиган пайвандтагларни вақтинча районлаштириш тадбирларини маъқулади (1-жадвал).

1-жадвал

Пастак ўсадиган пайвандтагларнинг Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим зоналарида тахминий нисбатлари (баланд ўсадиган пайвандтагларга нисбатан процент ҳисобида)

Районлаштирилган пайвандтаглар ва уларнинг жинслари	Тупроқ типлари				
	ер ости суви чуқур ётган (3 метрдан ҳам чуқур) суғориладиган бўз тупроқда	тоғли, тоғ ёнбағирларидаги қора бўз тупроқлар (шаргли суғориладиган)	ер ости сувлари яқин ётган шўр тупроқлар	ўтлоқ-боғқоқли тупроқлар	тошлоқ ерлар
Олма					
Парадизка IX . .	5	—	+	20	—
Дусен III	15	—	+	30	+
Дусенлар II, IV, V	+	—	+	+	+
Нок					
„А“ тип беҳи . .	10	—	+	30	—

Эслатма: + аломати пайвандтагнинг ишлаб чиқариш синови учун тавсия этилганини билдиради.

Кенгаш пастак ўсадиган боғлар майдонини ер ости сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда уруғли мевали боғлар умумий майдони-

нинг 20—25 процентигача, ўтлоқ-ботқоқли ерларда 35—40 процентгача етказишни тавсия этди.

Шу нарса кўзда тутилдики, Ўзбекистон шароитида ярим пастак ўсадиган (дусен) пайвандтагларда барпо этилган боғлар олмазор боғлар умумий майдонининг 75—80 процентини, пастак ўсадиган (парадизка) пайвандтагларида барпо этилган боғлар эса 20—25 процентини ташкил этиши керак. Пастак ўсадиган «А» тип беҳига пайванд қилинган нок боғлари нок боғлари умумий майдонининг 30 процентчасини ташкил қилиши лозим.

Пастак ўсадиган пайвандтагларни кўпайтириш. Пастак ўсадиган пайвандтаглар вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Бунда улар тикка ва комбинирланган ҳолда пархишланади ҳамда қаламчалари экилади. Практиканинг кўрсатишича, улар тикка пархеш қилинганда яхши натижа беради.

Ҳозирги вақтда пастак ўсадиган боғдорчиликни ривожлантиришдаги асосий вазифа — пайвандтагларнинг энг яхши типларининг соф навли оналикларини яратишдан иборатдир. Оналик плантацияларнинг юқори маҳсулдорлигини таъминлаш учун пастак ўсадиган пайвандтагларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни (боғларни) тўғри барпо этиш ва улардан тўғри фойдаланиш керак.

Пайвандтагларни вегетатив кўпайтириш учун оналик участкалар 15—20 йилга мўлжаллаб барпо этилади. Шундай экан, улар учун жой танлаш катта аҳамиятга эгадир. Плантацияни яхши дренажланган (захи қочирилган), аммо нами етарли бўлган ва маҳсулдор ерларда барпо этмоқ лозим.

Оналик пайвандтаг дарахтларни ўтқозиш учун ер 50—60 сантиметр чуқурликда ҳайдалади

ва айни вақтда гектарига 40 тоннадан гўнг, 80—100 килограммдан фосфор солинади.

Дарахтларни ўтқозиш олдидан участкалар кварталларга бўлинади. Ҳар бир кварталга фақат бир хил типдаги пайвандтаглар ўтқозилади.

Қатор ораларидаги масофа 120 сантиметрдан бўлади. Бундай қатор ораларини ишлашда «Т-28×3», «ДТ-24-3», «ДТ-20» тракторларидан фойдаланиш мумкин бўлади (3-расм).



3-расм. Сугориш эгатлари олиш билан бир вақтда минерал ўғит солиш (ДТ-24-3 тракторига НКУ-4,6 культиватори ўрнатилган).

Ўсимликлар орасидаги масофа 50—60 сантиметр бўлиши керак.

Ўсимликлар қаторларга анча қалинроқ жойлаштирилганда, улар ўсгач, шох-шаббалари бир-бирларига тезда қўшилиб кетиб, яхлит лента ту-

сини олади. Бу ҳол уларнинг унумдорлигини оширади.

Ўтқазиш учун яхши ривожланган, илдиз отган пархишларгина танлаб олинади. Уларни плантацияларнинг соф навлилиги яхши текширилган хўжаликлардан олиш керак бўлади.

Пархишларни ўтқазишнинг энг яхши муддати ноябрь ойи ҳисобланади. Улар олдиндан тайёрлаб қўйилган эгатларга ёки белкурак билан 20—25 сантиметр чуқурликда ковланган чуқурларга ўтқазилади. Кўчатларнинг қуйи қисмидаги илдизлари қанчалик узун бўлишидан қатъи назар, ер 15—20 сантиметр чуқурликда ковланади. Кўчатлар ўтқазилган заҳоти уларнинг ер юзасидаги қисмида кўп деганда уч кўз қолдирилиб, қолган қисми боғ қайчи билан кесиб ташланади. Бу уларнинг анча пастдан шохлашига ёрдам беради, натижада чопиқ ўтқазиш осонлашади. Ўтқазилган кўчатларнинг учи қирқилгач, дарҳол суғориш ишлари ўтқазилади.

Кўчатлар биринчи йили яхши парвариш қилинишини, яъни ўз вақтида суғорилиши, чопилиши ва культивация қилинишини талаб этади. Ўсимлик битлари пайдо бўлганда уларнинг кўплаб тарқалишига йўл қўймай, кўчатлар дарҳол тиофос эритмаси (10 литр сувга 100 грамм ҳисобида) билан пуркалади.

Кўчатлар кузда апробация этилади, бунда бошқа типдаги буталарнинг ҳаммаси олиб ташланади, шундан сўнг ремонт қилинади.

Иккинчи йилдан бошлаб плантациядан фойдаланишга киришилади. Биринчи йили ўсиб чиққан шохлар тупда (тўнкачада) 1—1,5 сантиметр баландликда қолдирилиб, эрта кўкламда кесиб ташланади. Натижада бош бута асосидан кўплаб шохлар ўсиб чиқади. Ёз бўйи 2—3 марта

ўтказиладиган чопиқ натижасида шохларнинг қуйи қисмида илдизлар ҳосил бўлади, шохлар пархишга айланади.

Биринчи чопиқ шохлар 25—30 сантиметр баландликка етганда, тахминан июнь ойининг бошларида ўтказилади. Июнь ойининг охирида иккинчи чопиқ қилинади, сентябрда эса учинчи бор чопиқ қилиниб, тупроқ билан ўраб қўйилади. Бунда тупроқ уюми баландлиги 30 сантиметрдан кам бўлмаслиги талаб қилинади. Чопиқ ер нам вақтидагина ўтказилади. Бунинг учун ҳар бир чопиқ олдидан плантация суғорилади.

Чопиқ вақтида шох-новдаларнинг бир-бирларига ўралиб тўпланиб қолмай, томонларга бирдек таралиб туриши ғоят муҳимдир. Бунга эришмоқ учун тупроқ дастлаб тупнинг қоқ ўртасига уюлади. Шох-новдаларнинг сийрак жойлашиши пархишларнинг яхши илдиз отиши ва бақувват ўсишига ёрдам беради.

Ҳар бир чопиқдан кейин қатор ораларини юмшатиш зарур усул ҳисобланади.

Суғориш ва озиқлантириш режими ўсимликнинг вегетациянинг биринчи даврида яхши ривожланишини таъминлашни ва новдаларнинг ёз охири ҳамда кузда максимал маҳкам ўрнашиб олишини назарда тутган ҳолда ўтказилиши керак.

Ёзнинг биринчи ярмида суғориш анча сийракроқ — ҳар 15—20 кунда бир марта, унча катта бўлмаган нормада, азотли озиқлантиришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади; йилнинг иккинчи ярмида эса тез-тез, яъни ҳар 8—10 кунда бир мартадан қондириб суғорилаверади. Бунда агар тупроққа фосфорли-калийли ўғитлар кўпроқ солинган бўлса, тупроқ доимо нам ҳолда туради.

Пархишларнинг оналикда яхши илдиз отиши


учун ёз ва куз давомида жами 12—14 марта су-
горилади. Ҳар йили минерал ўғитлар билан ўғит-
ланади: фосфорли ўғитлар кузда (гектарига 60
килограмм) ва август ойида (гектарига 30—40
килограмм), азотли ўғитлар ёзнинг биринчи яр-
мида (икки-уч марта — март, май ва июнь ойла-
рида, буларнинг ҳар бирида 40—45 килограмм-
дан), органик ўғитлар эса пархешларни ажратиб
олиш учун тепачаларни бузиб чопиш олдидан
гектарига йил оралатиб 15—20 тоннадан соли-
нади.


Ўзбекистоннинг қуруқ ва иссиқ иқлимида
пархешлар ёзда заифроқ илдиз олади. Улар куз-
да — сентябрь, октябрь ойларида яхши илдиз
отади ва бу процесс, гарчи заифроқ бўлса-да,
бутун қиш бўйи давом этади. Мана шунинг учун
ҳам пархишларни оналик тупидан ажратиб олиш-
ни қиш охирида бошлаб, бу ишни 15—20 фев-
ралларда тамомлаш керак бўлади.

Оналик туплари тупроқдан очилгандан кейин
пархишлар улардан боғ қайчи билан кесиб оли-
нади. Бунда, келаси йил яна новда ўсиб чиқиши
учун ҳар бир оналик тупида (тўнкачада) 4—5
тадан куртак қолдириш зарур.

Пархишлар — новдаларни оналик туплари-
дан синдириб олиш ярамайди, чунки бунда запас
куртакларнинг анчагина қисми бой берилади,
ҳолбуки улардан келаси йили новдалар ўсиб чи-
қиши мумкин.

Кесиб олинган пархишлар йўғонлиги ва ил-
дизларининг сонига қараб қуйидагича хилланади:
биринчи хилига (стандарт, 4-расм) — илдиз систе-
маси яхши ривожланган, диаметри 7—10 милли-
метрли; иккинчи хилига илдиз системаси яхши
ривожланган, диаметри 4—7 миллиметрли пар-
хишлар киради. Танланган биринчи ва иккинчи





4-расм. Янши илдиз отган дусен IV нинг стандарт кўчатлари.

хил пархишлар кўчатзорнинг биринчи даласига ўтқазилади. Йўғонлашиб кетган (диаметри 10 миллиметрдан йўғон) пархешлардан оналикни вужудга келтириш ва уларни ремонтлаш (хато жойларга ўтқазиш) учун фойдаланилади. Ингич-

ка ва ёмон илдиз олганлари эса яна кўчатзорга қайтарилади.

Оналик туп 3—4 йилда нормал маҳсулот, яъни ҳар гектаридан 150—200 минг дондан пархеш бера бошлайди. Оналик тупларнинг заифлашиб қолмаслиги учун уларга ҳар тўрт-беш йилда дам берилади, яъни пархешлар олинмайди ва кузда барча новдалар кесиб ташланиб, ўрнида тўнкача ҳосил этилади.

Парадизка IX, дусен II ва V ларда новдалар кўпинча ўсиб кетади. Бу ҳол пархишларнинг анча камайишига сабаб бўлади. Ўсиб кетишга мойил пайвандтагларнинг бўйи 20—25 сантиметрга етганда (тахминан май ойининг ўрталарида) 2—3 куртак қолдириб уларнинг асосидан кесиб ташланади. Мазкур куртаклардан янги, лекин энди кўплаб новдалар ўсиб чиқади, улар одатдаги усулда июнь ойининг охири ва июль ойининг бошларида чопилади. Бу операцияни ўтказиш пархишларни 30 процентгача кўпайтиради, бундан ташқари, уларнинг ривожланиши бир текис боради.

Паст ўсадиган олма ва беҳи пайвандтаглари-ни оналик тупларида, шунингдек кўчатзорнинг биринчи даласидан тайёрланадиган қаламчалардан кўпайтириш мумкин. Қаламчалар 20—25 сантиметр узунликда, 6 миллиметрдан кам бўлмаган йўғонликда кузда тайёрланади. Улар қишда траншеяларда (чуқурларда) сақланади, кўкламга бориб уларда яхши каллюслар пайдо бўлади.

Қаламчалар эрта кўкламда кўчатзорнинг биринчи даласига, эгатларга тик ҳолатда ўтқазилади. Уларнинг оралиғи қаторларда 5 сантиметр, қатор оралари эса 60—70 сантиметр бўлади. Улар ер юзасида 1—2 куртак қолдириб экилади.

Қаламчалар ўтқазилгандан кейин 1—2 сантиметр чуқурликда юмшатилади ва устига хашакли гўнг ёпилади, сўнгра тез-тез суғориб турилади.

Орадан 15—20 кун ўтгач, қаламчаларнинг пастки кесилган жойларида пўстлоқлар пайдо бўла бошлайди. Шунда улар яна топилади (юмшатилади).

Парадизка IX, дусен III ва V лар қаламчаларининг 30—40 проценти, беҳининг эса 70 процентга яқини илдиз олади. Яхши парвариш қилинганда деярли барча илдиз олган қаламчаларни (90—95 процент) Ўзбекистон шароитида ўша йилиёқ пайвандлаш мумкин бўлади.

Кўчатзорда баланд ўсадиган пайвандтагларда кўчатларни етиштиришнинг асосий қондаси қандай бўлса, паст ўсадиган пайвандтагларда кўчатларни етиштиришнинг асосий қондаси ҳам худди шундайдир.

Пастак ўсадиган боғларни барпо қилиш ва уларни парваришлаш. Пастак ўсадиган дарахтларнинг илдизлари чуқур кетмайди, шунинг учун ҳам улар озуқага ва намга талабчан бўлади. Шу сабабли пастак ўсадиган пайвандтагларда ўстириладиган (барпо қилинадиган) боғларни етарли намга эга бўлган, унумдор ерларда барпо этиш, бунда тез-тез суғориб ва юқори дозада органик ўғитлар солиб туриш имкониятини назарда тутиш керак.

Яхши дренажланган (захи қочирилган) ўтлоқ, тупроқ ости қумоқ ёки тошлоқ ерлар пастак ўсадиган боғларни барпо қилиш учун энг яхши ер ҳисобланади. Дусенга пайванд қилинган мева дарахтларини ер ости сувлари 120 сантиметр чуқурликда ётган ерларга ўтқозиш, парадизкага пайванд қилинган олмани ва беҳига пайванд қи-

линган нокни эса ер ости сувлари 80 сантиметр чуқурликда ётган ерларга ўтқозиш керак.

Пастак ўсадиган мева дарахтлари баланд ўсадиган мева дарахтларига нисбатан шамолга унчалик бардош беролмайди. Шунинг учун пастак ўсадиган боғларни шамолдан муҳофаза қиладиган ихота дарахтлари ўтқозиш талаб қилинади.

Пастак ўсадиган мева дарахтлари ўтқазилган боғда уларнинг тавсия этилган оралиги 2-жадвалда кўрсатилган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, боғда пастак ўсадиган мева дарахтлари учун оралиқ масофани белгилашда фақат пайвандтаг типи эмас, балки пайванд қилинган навларнинг ўсиш кучи ҳам ҳисобга олинади.

2-жа д в а л

Пастак ўсадиган пайвандтаглардаги мева дарахтларини боғларда жойлаштириш схемаси

Хиллар ва пайвандтаглар	Оралиқ (метр ҳисобида)		1 гектар ердаги мева дарахтларининг сони
	қатор оралари	қаторларда	
Парадизкага пайванд қилинган олма, беҳига пайванд қилинган нок . . .	4—5	4—5	625—400
Дусенга пайванд қилинган олма	6	5—6	333—278

Заифроқ ўсадиган навлар, масалан, олмалар — Самарқанд биринчиси, Мантуанер, Вайнсеп, Ренет орлеанский; ноклар—Қишки Деканка, Бере Жиффар, Оливье де Серр ва бошқалар анча зич, дусенга пайванд қилинган кўчатлар орасида дусен III га қилинган кўчатлар қалинроқ ўтқозилади.

Уруғдан ўсиб чиққан пайвандтагларда ўстирилган олма ва ноклар 10—12 йилдан кейин, ҳатто 16—18 йилдан кейин ҳосилга киради. Шу муносабат билан баланд ўсадиган боғларда дарахтларни зичлаштириш-тиғизлаш мақсадида улар орасига пастак ўсадиган мева дарахтларини ўтқазиш катта практик аҳамиятга эга бўлади.

Уруғ мевали боғларни парадизка IX да ўстирилган мева дарахтлари билан зичлаштириш-қалинлаштириш иқтисодий томондан жуда ҳам эффе́ктлидир, чунки улар баланд ўсмайди, шунинг учун бошқа дарахтларни сояламайди ва далага ўтқазилганининг учинчи йилиёқ ҳосилга киради.

Баланд ўсадиган боғларни пастак ўсадиган пайвандтагли дарахтлар билан қаторларда ҳам, қатор ораларида ҳам зичлаштириш-қалинлаштириш мумкин. Кўчатлар қалинлашиб, бир-бирларини соялаб қўйганида, биринчи навбатда пастак ўсадиган мева дарахтлари қаторлар оралиғидан олиб ташланади.

Боғларни зичлаштириш-қалинлаштириш учун заиф ва ўртача ўсадиган навларни ўтқазиш керак бўлади. Баланд ва тепаси пирамида шаклида ўсадиган дарахтлар шохлари ҳар томонга ёйилиб ўсадиган навлар билан ва аксинча, тепаси юмалоқ — шар шаклида ўсадиган дарахтлар тепаси пирамида шаклида ўсадиган навлар билан зичлаштирилади-қалинлаштирилади. Боғларни зичлаштириш мақсадида экиладиган пастак мева дарахтлари мумкин қадар мевали дарахтларнинг асосий навлари билан бир вақтда пишадиган навлардан танланиши талаб этилади.

Куз фасли (ноябрь ойи) пастак ўсадиган мева дарахтлари ўтқазиладиган энг яхши муддат ҳисобланади. Бунда ерга гектарига 40 тоннадан органик ва 80—100 килограммдан фосфорли

ўғитлар солиниб, 60—70 сантиметр чуқурликда ҳайдалади.

Пастак ўсадиган ва баланд ўсадиган кўчатларни ўтқазиш техникаси бир хил. Кўчатларни ўтқазиш вақтида ҳар бир чуқурга 8—10 килограммдан ёки унинг ярми миқдорида чиринди ҳамда 20 граммдан азот ва фосфор солинади, улар бунгача тупроқ билан яхшилаб аралаштирилади.

Кўчат ўтқазилгандан кейин унинг атрофи чуқурчаланади, суғориш ишлари шулар орқали амалга оширилади.

Пастак ўсадиган дарахтлар ўтқазилгандан кейин биринчи йили жуда яхши парвариш қилинишини талаб этади. Эрта кўкламда кўчатнинг туп атрофи (штамбага яқин жойлар 6—10 сантиметр, чуқурча чеккасига яқин жойлар 12—15 сантиметр чуқурликда) эҳтиёткорлик билан чопилади ва ҳашак аралаш гўнг билан 8—10 сантиметр қалинликда ёпиб қўйилади.

Ёз давомида боғ 10—12 марта суғорилади. Сув кўчат тупларидан 40—50 сантиметр узоқликда олинган эгатлар бўйлаб, қаторларнинг ҳар икки томонидан қўйилади. Ҳар бир суғоришдан кейин эгатлар культиватор билан юмшатилади.

Кузда дарахт барглари тўкилгандан кейин доира шаклидаги чуқурчалар яна чопилади. Бунда ҳар қайси доирага 80—90 грамм фосфор, 30—40 грамм калий ҳисобидан минерал ўғитлар солинади. Доира шаклидаги чуқурчаларнинг диаметри 1,5—2 метр бўлади.

Пастак ўсадиган боғларда дарахт ораларига биринчи йиллари эртапишар сабзавот экинлари (карам, картошка, турли томат ва бошқалар) экилади. Улар органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Кейинги йиллари эса

сидерат экинлар—Никольсон нўхати экилиб, кўк майсаси кўкат ўғит сифатида ҳайдалиб шудгор қилинади.

Пастак ўсадиган мева дарахтлари орасига беда экиш тавсия қилинмайди, чунки беда кўп нам талаб қилганидан, ерни кучли даражада қуритади, бунинг натижасида дарахтларнинг ўсиши жуда ҳам заифлашиб кетади.

Пастак ўсадиган боғларда дарахт ораларидаги ерларга ишлов бериш — октябрь охири ва ноябрь бошларида кузги шудгор ўтказишдан иборатдир. Асосий шудгорлаш чуқурлиги дарахт илдизларини қирқмайдиган ҳолда саёзроқ бўлиши керак. Бошқача айтганда, дарахт тупига яқинроқ жойлар 18—20 сантиметр, бошқа жойлар эса 22—25 сантиметр чуқурликда ҳайдалиши лозим. Ҳайдашни, қонда сифатида, тупроқни дарахтнинг қарши томонига ағдариб ўтказиш зарур (дарахт қаторлари ҳайдаш ўтказаётган тракторнинг сўл томонида бўлиши керак).

Шудгорлаб қўйилган ер эрта кўкламда чизелланади. Бордию тупроқ қаттиқ зичланиб қолган бўлса, дарахтга яқин жойлар палахса ағдармай 12—15 сантиметр, қатор ораларининг бошқа жойларида 18—20 сантиметр чуқурликда қайта ҳайдалади. Ёзда ҳар бир суғоришдан кейин қатор оралари 12—15 сантиметр чуқурликда культивация қилинади. Ёш боғларда бир неча йил давомида ерга бўйига ва энига қарата икки томонлама ишлов берилади.

Боғларда дарахтларнинг туп атрофи кузда белкурак билан 18—20 сантиметр чуқурликда чопилиб, эрта кўкламда 12—15 сантиметр чуқурликда юмшатилади.

Дарахтларнинг туп атрофи, бегона ўтларнинг

пайдо бўлишига қараб, ёз бўйи яна икки-уч марта юмшатилади.

Дарахт қатор ораларига шу тариқа ишлов берилганда тупроқ қуйи қаватининг сув-ҳаво режими яхшиланиб, илдиз системалари яхши ривожланади.

Ҳосилга кирган пастак ўсадиган боғлар бўз тупроқли ерларда ёз мобайнида кам деганда 6—8 марта (парадизкалар 8 марта), ерости сувлари ер юзасига яқин жойлашган ўтлоқ-ботқоқ ерларда 4—5 марта суғорилади. Эгатлар дарахт тупларидан кам деганда 80 сантиметр нарида ва бир-биридан 60—70 сантиметр узоқликда олинади. Кеч кузда ва қишда бир-икки марта нам сақлаш суғоришлари ўтказилади.

Тупроқ намлигининг кучли даражада тебраниши ёзда меваларнинг кўплаб тўкилишига олиб келади. Шунинг учун тупроқнинг жуда қуриб кетишига йўл қўйиш, сўнгра эса суғориш ўтказиш ярамайди.

Пастак ўсадиган пайвандтагларда ўстирилган мева дарахтлари кучли даражада ўсадиган мева дарахтларига нисбатан яхшироқ озиқланишни талаб қилади. Чунки уларнинг илдиз системалари нисбатан камроқ жойга (тупроққа) тарқалган бўлади. Шунинг учун ҳам пастак ўсадиган боғларга органик ва минерал ўғитларни кўпроқ дозада солиш тавсия этилади.

Дарахтлар ҳосилга кирганга қадар ҳар йили уларнинг ҳар бир тупи тагига (доирага) 80—90 грамм фосфорли, 120—140 грамм азотли ва 30—40 грамм калийли ўғитлар солинади.

Дарахтлар ҳосилга кирган даврда ҳар йили ҳар гектар ерга 80—100 килограмм фосфорли, 160—180 килограмм азотли ва 40—50 килограмм калийли ўғитлар солинади. Ҳар 2—3 йилдан

кейин эса гектарига 30—40 тоннадан органик ўғит ташланади.

Ҳосилга кирган боғларга азотли ўғитларни икки приёмда — бирини кузги шудгорни эрта кўк-ламда қайта ҳайдаш олдидан, иккинчисини мева дарахтлари гуллагандан кейин тупроққа иккинчи марта ишлов бериш олдидан солиш яхшидир.

Дарахт тепасига шакл бериш ва кесиш процесслари. Пастак ўсадиган мева дарахтларининг тепасига шакл бериш ва кесишда уларнинг бўй-лари баланд ўсадиган мева дарахтларига нисбатан анча пастлигини эътиборга олиш керак.

Мевали дарахтларнинг шох-шаббаларини кесиш вазифаси уларнинг ўсиши билан ҳосилга кириши ўртасидаги зарур мутаносибликни сақлашдан иборатдир.

Пастак ўсадиган ёш мева дарахтларининг тепаси шаклланаётган даврда кесишда ўсиш кучайиши учун бир йиллик новдаларнинг 3 дан 1 қисми, ҳатто 2 дан 1 қисми қирқиб ташланади. Дарахтларнинг ўсиш процесслари жуда секинлашган ва улар тўла ҳосилга кирган даврда эса кўпгина шох-шаббалар кесиб ташланади. Шундай қилинганда қолган новдаларнинг ўсиши тезлашади.

Ёш мева дарахтларини кесиш унинг тепасининг яхши шакл олишига, ёруғлик яхши тушишига, новдалар мевалар оғирлигини тирговичсиз кўтара оладиган даражада бақувват бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Дарахтларга шакл беришнинг асосий принципи қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

а) дарахт тепасининг бақувват ва ёруғ яхши тушадиган бўлиши учун марказий туп ва асосий шох-новдаларнинг узунлиги ва йўғонлиги бўйича ривожланишига қараб мутаносиблик ўрнатилиши керак.

Марказий туп ривожланишда скелет шох-шаббалардан анча устун туриши лозим. Ҳар бир пастки шох-новда ўзидан юқоридаги новдалардан кучлироқ ўсган бўлиши, аммо уларни босиб қўймаслиги ва ёруғликдан тўсиб қўймаслиги зарур.

Шохларнинг йўғонлиги асосий тупнинг 0,6 диаметридан катта бўлмаганда ва уларнинг асосий танадан ўсиб чиқиш бурчаклари 45 градусдан кам бўлмаганда новдалар бақувват деб ҳисобланади;

б) дарахт танасидаги новдалар шундай жойлашиши керакки, улар бир-бирларининг устига ётиб кетмасликлари ва мўл ҳосилни кўтара олишлари лозим.

в) парадизка IX ва «А» тип беҳига пайванд қилинган мева дарахтларида ҳосил шохларига ён томон бўйлаб бир-бирларидан 25—30 сантиметр узоқликда шакл берилади;

г) дусен II, III, V ларга пайванд қилинган дарахтларда асосий танадан ўсиб чиққан ва ҳосилга кирган шохлар парваришланади, уларнинг бир-биридан узоқлиги 20—30 сантиметр қилиб қолдирилади;

д) иккинчи тартибдаги новдаларга ҳам лидерда жойлашган биринчи тартибдаги новдалар сингари шакл берилади. Уларнинг ҳаммаси ўз ривожда бир-бирлари билан уйғун ҳолда ўсишлари керак.

Пастак ўсадиган пайвандтагларда ўстирилган олма ва нокларга асосан сийрак — ярусли шакл берилади.

Тубандаги усулларни танлаш ҳам мумкин: биринчи ярус (группа) учун уч-тўртта бир-бирига яқин новда (шох) ёки иккита бир-бирига яқин новда қолдирилади ва булардан 6—8 сантиметр

масофада яна бир новда қолдирилади. Бундан кейинги новдалар сийракроқ, яъни учинчи новдадан 15—20 сантиметр юқорида тўртинчи новда, ундан кейинги 5—6 новда эса бир-биридан 20—30 сантиметр масофада жойлаштирилади. Шуллардан иккитаси бир-бирига яқинроқ қолдирилиши, охирги новда эса ёлғиз бўлиши керак.

Пирамида шаклида ўсадиган навларнинг новдалари орасидаги масофа камроқ, тепаси ёйилиб ўсадиган навларнинг новдалари эса кўпроқ бўлиши мумкин.

Дарахтлар ўсишдан тўхтаган ва мўл ҳосил қила бошлаган даврда уларни кесиш асосан тепасини мунтазам равишда чилпишдан иборат бўлади. Жуда ҳам қалинлашиб кетган новдаларгина қирқиб ташланади. Мева шохлари ҳаддан ташқари қалинлашиб кетганда уларнинг бир қисми—30—50 процентгачаси танадан жудо қилинади. Натижада фойдали тугунчалар—шоналар проценти ортади ва мевалар йириклашади.

Мевали дарахтларни шпалер усулда ўстириш. Ўзбекистонда ҳозирча шпалер усулда боғдорчилик тажрибаси йўқ. Бундай усулда дарахт ўтқозишни кенг ишлаб чиқариш синовидан ўтказиш учун фақат тахминий тавсияларнигина бериш мумкин, холос.

Ўтлоқ-ботқоқ типли суғориладиган унумдор тупроқли ерларда пайвандтаг сифатида парадизка IX ва «А» тип беҳиларидан, суғориладиган бўз тупроқли ерларда эса парадизка IX ва дусен III дан фойдаланиш мумкин. Парадизкага заифроқ ўсадиган ва мўл ҳосил берадиган (масалан, Налив белий) навларни пайванд қилиш ярамайди, чунки уларнинг ўсиши тезда секинлашади ва улар шпалер ҳосил этмайди.

Шпалерли боғларда қаторлар орасидаги ма-

софаси олмалар ва шунингдек ноклар учун 3—4 метрдан кам бўлмаслиги керак. Қатор ораларининг бундай масофада бўлиши уларга «КД-35» ва «ДТ-54» тракторлари билан ишлов бериш имкониятини беради. Шуниси ҳам борки, бу машиналар бизнинг боғларимизда ишлатиладиган асосий механик куч ҳисобланади. Дарахт тупларининг орасидаги масофа эса 2 метрдан 3 метргача қилиб белгиланади. Тупроқ қанчалик унумдор бўлса, туплар орасидаги масофа шунчалик катта бўлиши керак.

Дарахт тепасига шакл беришни бевосита боғда ўтказиш учун бир ёшлик кўчатлар ўтқазилади. Куз фасли кўчатларни ўтқазишнинг энг яхши даври ҳисобланади.

Шпалерларга кун бўйи ёруғлик тушиб туриши учун қаторларни шимолдан жанубга томон жойлаштириш керак. Товар маҳсулот берадиган боғлар учун сим шпалерда (симбағазда) ёки усиз қилинган «жонли ихота» типигаги энг оддий ялпоқ шохлардан фойдаланиш лозим.

Қаторларда таянчлар орасидаги масофа 10—15 метр, уларнинг баландлиги 2,5 метр бўлади. Новда (шоҳ)ларни бойлаганда кўпи билан 35—40 градус бурчак ҳосил қилиб қайилтирилади. Шундай қилганда, дарахтларнинг нормал ўсиши ва мўл ҳосил бериши таъминланади. Шпалерли боғларга шакл бериш ва шоҳ-шаббаларини кесишда — дарахт қанчалик кучли ўсса, кесиш шунчалик кам бўлиши керак,— деган принципга амал қилинади.

Тирговичлар кўчат ўтқазиш билан бир вақтда ўрнатилади. Дастлабки сим ердан 35—40 сантиметр баландликда тортилади (штамбанинг бўйи). Дарахт тепасидаги кераксиз новдалар кесиб ташланади.

Шпалерда ўстирилган мева дарахтларининг яхши ривожланиши учун уларни бутун ёз давомида яхши озиқлантириш ва оптимал нам билан таъминлаш керак. Уларга органик ва минерал ўғитларнинг юқори дозасини солиш, тупроқ юзасини хашакли гўнг билан ёпишни қўлланиш зарур. Акс ҳолда, пастак ўсадиган бу мева дарахтлари кўзланган натижани бермайди.

На узбекском языке

О. К. АФАНАСЬЕВ

Кандидат сельскохозяйственных наук

КУЛЬТУРА КАРЛИКОВОГО САДОВОДСТВА

Объединенное издательство
ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1966

Автор Олег Константинович Афанасьев

Таржимон У. Муҳамедов Редактор Ш. Тоҳиров
Техредактор В. Зубовская Корректор М. Муродбеков

Теришга берилди 17/VI-1966 й. Босишга рухсат этилди 25/VIII-1966 й.
Қоғоз формати $84 \times 108^{1/32}$. Босма листи 1,0. Шартли босма листи
1,64. Нашриёт ҳисоб листи 1,07. Тиражи 12600. Нашр № 86.
Р-13815. Заказ № 1498. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бирлашган нашриётининг
босмаҳонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.